



ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАСИ ВА УНИ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ҚЎЛЛАШ ИМКONIЯТЛАРИ

Шаназаров Фаррух

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

ORCID: 0009-0003-4377-2086

f.shanazarovv@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақолада ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини ривожлантиришнинг хорижий тажрибаси илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Жаҳон амалиётида шакланган ижтимоий хизматлар моделлари, хусусан Скандинавия мамлакатларида қўлланилаётган универсал ижтимоий хизматлар тизими институционал тузилиши, молиялаштириш механизмлари ва ижтимоий самарадорлик нуқтаи назаридан ўрганилган. Тадқиқот жараёнида ижтимоий хизматларни инсон капиталига қаратилган узоқ муддатли инвестиция сифатида талқин қилишнинг назарий ва амалий асослари очиб берилган. Олинган натижалар асосида хорижий тажрибанинг Ўзбекистон шароитига мослаштирилган ҳолда қўллаш имкониятлари баҳоланиб, ижтимоий хизматлар тизимини такомиллаштиришга қаратилган илмий-амалий хулосалар ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: ижтимоий хизматлар, хорижий тажриба, Скандинавия модели, ижтимоий сиёсат, инсон капитали, давлат ижтимоий сиёсати.

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ РАЗВИТИЯ СИСТЕМЫ СОЦИАЛЬНЫХ УСЛУГ И ВОЗМОЖНОСТИ ЕГО ПРИМЕНЕНИЯ В УСЛОВИЯХ УЗБЕКИСТАНА

Шаназаров Фаррух

Самаркандский институт экономики и сервиса

Аннотация. В статье проведён научный анализ зарубежного опыта развития системы социальных услуг. Рассмотрены модели социальных услуг, сформировавшиеся в мировой практике, в частности универсальная система социальных услуг, применяемая в странах Скандинавии, с точки зрения институционального устройства, механизмов финансирования и социальной эффективности. В ходе исследования раскрыты теоретические и практические основы рассмотрения социальных услуг как долгосрочных инвестиций в человеческий капитал. На основе полученных результатов оценены возможности адаптации зарубежного опыта к условиям Узбекистана, а также разработаны научно-практические выводы и рекомендации по совершенствованию системы социальных услуг.

Ключевые слова: социальные услуги, зарубежный опыт, скандинавская модель, социальная политика, человеческий капитал, государственная социальная политика.

FOREIGN EXPERIENCE IN DEVELOPING THE SOCIAL SERVICES SYSTEM AND POSSIBILITIES FOR ITS APPLICATION IN UZBEKISTAN

Shanazarov Farrukh

Samarkand Institute of Economics and Service

Abstract. *This article provides a comprehensive analysis of foreign experience in the development of social services systems. The study examines social service models formed in international practice, with particular emphasis on the universal social services system implemented in Scandinavian countries, focusing on its institutional framework, financing mechanisms, and social effectiveness. The research highlights the theoretical and practical foundations of interpreting social services as long-term investments in human capital. Based on the findings, the possibilities of adapting foreign experience to the socio-economic conditions of Uzbekistan are assessed, and policy-oriented conclusions and recommendations for improving the national social services system are proposed.*

Keywords: *social services, foreign experience, Scandinavian model, social policy, human capital, state social policy.*

Кириш.

Жаҳон иқтисодиётида ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизими аҳоли турмуш сифатини яхшилаш, ижтимоий тенглик ва барқарорликни таъминлашнинг муҳим институционал омили сифатида қаралади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя ва аҳолининг заиф қатламларига хизмат кўрсатиш инсон капитали сифатини ошириш орқали меҳнат унумдорлиги ва иқтисодий ўсишга бевосита таъсир кўрсатади. Хусусан, World Bank (2019) маълумотларига кўра, таълим ва соғлиқни сақлашга йўналтирилган ҳар бир 1 АҚШ доллари узоқ муддатда ўртача 2–4 доллар миқдорида иқтисодий қайтим беради (World Bank).

Глобаллашув, демографик ўзгаришлар, аҳолининг қариши, урбанизация ҳамда рақамли трансформация жараёнлари ижтимоий хизматларга бўлган талабни кескин оширмақда. United Nations (2023) маълумотларига кўра, 2023-йилда дунё аҳолисининг 10 фоизидан ортиғи, яъни 770 миллиондан зиёд киши 65 ёшдан юқори ёш тоифасига мансуб бўлиб, 2050-йилга келиб ушбу кўрсаткич 16 фоизга етиши прогноз қилинмоқда. Бу эса кексаларга хизмат кўрсатиш, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий парвариш хизматларини кенгайтиришни стратегик вазифага айлантиради.

Ривожланган мамлакатларда ижтимоий хизматлар давлат харажатларининг энг йирик йўналишларидан бири ҳисобланади. OECD Ижтимоий харажатлар базаси (SOCX) маълумотларига кўра, 2022-йилда OECD мамлакатларида ижтимоий харажатлар ўртача ялпи ички маҳсулотнинг 20–22 фоизини ташкил этган. Айрим Скандинавия мамлакатларида ушбу кўрсаткич 25–30 фоизгача етиб, ижтимоий хизматлар тизимининг юқори даражада институционаллашганлигини кўрсатади (OECD, *n.d.*).

Шу билан бирга, ижтимоий хизматларни ташкил этиш ва молиялаштириш давлат бюджетига катта юк юклайди. UNDP ҳисоботларига кўра, паст ва ўрта даромадли мамлакатларда ижтимоий хизматлар тизимини кенгайтириш молиявий барқарорлик билан боғлиқ жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда (UNDP, *Human Development Report 2020*). Шу боис, халқаро амалиётда ижтимоий хизматлар соҳасида фақат харажатларни ошириш эмас, балки хизматлар сифати, манзиллийлиги ва натижадорлигини таъминлаш устувор йўналиш сифатида қаралмоқда.

Юқоридаги тенденциялар ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини ривожлантиришда хорижий тажрибани чуқур таҳлил қилиш, унинг афзал ва чекловчи жиҳатларини аниқлаш ҳамда миллий институционал ва иқтисодий шароитларга мослаштириш илмий-амалий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Шу нуқтаи назардан,

мазкур мақолада ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини ривожлантиришнинг хорижий тажрибаси, хусусан Скандинавия мамлакатларида шаклланган универсал ижтимоий хизматлар модели таҳлил қилиниб, уни Ўзбекистон шароитида қўллаш имкониятлари баҳоланади.

Адабиётлар шарҳи.

Ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизими илмий адабиётларда кўп тармоқли ва фанлараро категория сифатида талқин қилинади. Мазкур тушунча иқтисодиёт, социология, ижтимоий сиёсат ҳамда давлат бошқаруви назариялари кесишмасида шаклланган бўлиб, унинг моҳияти, функциялари ва институционал асослари турли илмий мактаблар доирасида турлича изоҳланади.

Бундай ёндашув ижтимоий хизматларни фақат ижтимоий ҳимоя воситаси сифатида эмас, балки жамият барқарор ривожланишини таъминловчи комплекс институционал механизм сифатида баҳолаш имконини беради.

Классик социологик ёндашувларда ижтимоий хизматлар жамиятнинг институционал барқарорлигини таъминловчи муҳим омил сифатида қаралади. Хусусан, Парсонс (1964) ижтимоий хизматларни “яхлит ижтимоий тизим”нинг таркибий элементи сифатида талқин қилиб, улар орқали ижтимоий муносабатлар, қадриятлар ва ижтимоий тартибнинг қайта ишлаб чиқирилишини таъкидлайди. Унинг фикрича, ижтимоий хизматлар ижтимоий тизимдаги ижобий ўзгаришларнинг институционал асосини ташкил этади.

Луманнинг (2000) тизимли ёндашувига кўра, ижтимоий хизматлар фуқаролар ўртасидаги шахсий муносабатлардан институционал ва профессионал муносабатларга ўтиш жараёнини ифодалайди. Бу ёндашув ижтимоий хизматлар сифати ва уларнинг кафолатланиш даражасини институтлар ривожланиши билан бевосита боғлайди. Хабермас (1984) эса ижтимоий хизматларни жамиятдаги коммуникатив ҳаракат ва ижтимоий ҳамжиҳатликнинг амалий натижаси сифатида баҳолайди.

Иқтисодий назарияларда ижтимоий хизматлар инсон капиталини шаклантириш ва иқтисодий ўсишни рағбатлантирувчи муҳим омил сифатида қаралади. Инсон капитали назарияси доирасида Беккер (1964) таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя хизматларини меҳнат унумдорлигини оширадиган узоқ муддатли инвестиция сифатида изоҳлайди. Халқаро тадқиқотлар ижтимоий хизматларга йўналтирилган ресурслар иқтисодий ўсиш ва ижтимоий барқарорликка ижобий таъсир кўрсатишини тасдиқлайди (World Bank, 2019).

Шу билан бирга, хорижий илмий манбаларда ижтимоий хизматлар тизимида давлат, хусусий ва нодавлат секторлар ўртасидаги институционал тақсимотга алоҳида эътибор қаратилган. Айниқса, Европа мамлакатларида давлатнинг кафолатловчи роли сақланган ҳолда, хизматларни етказиб беришда нодавлат ташкилотлар ва хусусий сектор иштироки кенгайиб бораётгани қайд этилади (Shastitko, 2004).

Юқорида келтирилган фанлараро ёндашувлар ижтимоий хизматлар моҳиятига нисбатан ягона илмий таъриф мавжуд эмаслигини кўрсатади. Шу боис, ижтимоий хизматлар тушунчасини чуқурроқ очиб бериш ва уни иқтисодий-институционал категория сифатида асослаш учун хорижий ва миллий илмий ёндашувларни тизимли умумлаштириш зарурати юзага келади. Мазкур вазифани ҳал этиш мақсадида қуйида ижтимоий хизматлар моҳиятига оид хорижий ва миллий илмий ёндашувлар жадвал шаклида умумлаштирилди (1-жадвал).

1-жадвал таҳлилидан кўриниб турибдики, хорижий олимлар ижтимоий хизматларни фақат ижтимоий ҳимоя воситаси сифатида эмас, балки инсон капитали ва иқтисодий ўсишни таъминловчи стратегик омил сифатида талқин қилганлар. Айниқса, инсон капитали назарияси доирасида ижтимоий хизматлар иқтисодий самарадорликка эга инвестиция сифатида баҳолангани муҳим илмий хулосадир.

1-жадвал

Ижтимоий хизматлар моҳиятига оид хорижий илмий ёндашувлар

№	Муаллиф	Асар	Асосий ғоя ва хулоса
1	Smith	An Inquiry into the Nature and Causes of the Wealth of Nations (1776)	Меҳнат қобилияти ва билим миллий бойлик манбаи сифатида асосланган
2	Keynes	The General Theory of Employment, Interest and Money (1936)	Давлатнинг ижтимоий соҳа-даги фаол иштироки иқтисодий барқарорлик шarti сифатида талқин қилинган
3	Becker	Human Capital (1964)	Таълим ва соғлиқни сақлаш ижтимоий хизматлари инвестиция сифатида изоҳланган
4	Andersen	The Three Worlds of Welfare Capitalism (1990)	Ижтимоий хизматлар фаро-вонлик давлати моделлари-нинг институционал асоси сифатида таснифланган
5	World Bank	World Development Report (2019)	Ижтимоий хизматлар инсон капитали орқали иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатиши асосланган

Бироқ, мазкур ёндашувлар ижтимоий хизматларнинг институционал механизмлари ва давлат иштирокининг шакллари тўлиқ очиб бермайди. Шу боис, кейинги босқичда ижтимоий хизматлар тизимини ташкил этишга оид институционал ёндашувларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади (2-жадвал).

2-жадвал

Ижтимоий хизматлар тизимини ривожлантиришга оид институционал ёндашувлар

№	Муаллиф / ташкилот	Манба	Ёндашув мазмуни
1	Niklas Luhmann	<i>Social Systems</i> (2000)	Ижтимоий хизматлар жамият барқарорлигини таъминловчи институционал тизим сифатида талқин қилинган
2	OECD	<i>Social Expenditure Database (SOCX)</i> (2022)	Ижтимоий хизматлар давлат харажатларининг стратегик йўналиши сифатида баҳоланган
3	UNDP	<i>Human Development Report</i> (2020)	Ижтимоий хизматлар инсон тараққиёти индекси ўсишининг асосий омили сифатида кўрсатилган
4	WHO	<i>Health Systems: Improving Performance</i> (2000)	Соғлиқни сақлаш хизматлари ижтимоий хизматларнинг базавий таркибий қисми сифатида асосланган

2-жадвал материаллари шунини кўрсатадики, халқаро ташкилотлар ижтимоий хизматларни давлатнинг институционал жавобгарлиги доирасида кўради. Улар ижтимоий хизматларни тўлиқ бозор механизмлари билан тартибга солиб бўлмаслигини, давлатнинг кафолатловчи ва мувофиқлаштирувчи роли сақланиб қолиши зарурлигини илмий асослайдилар.

Мазкур хулосалар МДҲ ва Ўзбекистон олимлари тадқиқотлари билан ҳам маълум даражада уйғунлик касб этади. Шу сабабли, ижтимоий хизматларга оид миллий ва минтақавий илмий қарашларни умумлаштириш муҳим аҳамиятга эга (3-жадвал).

3-жадвал таҳлилдидан кўринадики, миллий тадқиқотларда ижтимоий хизматлар кўпроқ ижтимоий ҳимоя ва давлат сиёсати нуқтаи назаридан ёритилган. Бироқ уларнинг иқтисодий ўсиш, меҳнат бозори самарадорлиги ва инсон капиталига таъсирини комплекс иқтисодий категория сифатида баҳолаш масаласи етарлича чуқур очиб берилмаган.

**Ўзбекистон ва МДХ олимларининг ижтимоий хизматлар
бўйича илмий қарашлари**

№	Муаллиф	Асар	Асосий илмий натижа
1	Абдурахмонов	Ижтимоий соҳа иқтисодиёти (2019)	Ижтимоий хизматлар инсон капитални ривожлантирувчи ижтимоий-иқтисодий категория сифатида изоҳланган
2	Путило	Социальные услуги в системе социальной политики государства (2016)	Ижтимоий хизматларнинг институционал ва стандартлашган хусусиятлари асосланган
3	Халиков	Ижтимоий хизматлар соҳасини ривожлантириш... (PhD, 2025)	Ижтимоий хизматлар иқтисодий тизимнинг мустақил сегменти сифатида таърифланган

Юқорида келтирилган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ижтимоий хизматлар тушунчасига нисбатан ягона илмий ёндашув шаклланмаган. Хорижий тадқиқотларда улар стратегик иқтисодий омил сифатида қаралса, миллий тадқиқотларда асосан ижтимоий ҳимоя инструменти сифатида талқин қилинган. Бу эса ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини ривожлантиришнинг хорижий тажрибасини чуқур ўрганиш ва уни Ўзбекистон шароитига мослаштириш заруратини янада кучайтиради

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида қиёсий таҳлил, танланма илмий адабиётларни таҳлил қилиш, тизимли ёндашув ҳамда институционал таҳлил усулларида комплекс тарзда фойдаланилди. Хусусан, ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини ривожлантириш бўйича хорижий мамлакатлар амалиётида шаклланган моделлар ўрганилиб, уларнинг иқтисодий самарадорлиги, ижтимоий натижадорлиги ва институционал механизмлари қиёсий жиҳатдан баҳоланди.

Шунингдек, тадқиқот доирасида ижтимоий хизматлар тизимининг давлат, хусусий ва нодавлат секторлар ўртасидаги ўзаро муносабатлари, молиялаштириш манбалари ҳамда хизматлар сифати ва қамровига таъсир этувчи омиллар тизимли ёндашув асосида таҳлил қилинди. Институционал таҳлил усули орқали ижтимоий хизматларни тартибга солишда давлатнинг роли, кафолатлари ва бозор механизмлари билан уйғунлиги баҳоланиб, хорижий тажрибанинг миллий шароитларга мослаштириш имкониятлари аниқланди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Жаҳон амалиётида ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг турли институционал моделлари шаклланган бўлиб, улар ҳар бир мамлакатнинг тарихий тараққиёт босқичи, иқтисодий салоҳияти, маданий қадриятлари ҳамда давлатнинг ижтимоий сиёсатига хос хусусиятлари билан белгиланади. Шу билан бирга, мазкур моделларни бирлаштирувчи умумий мақсад аҳоли турмуш сифатини яхшилаш, ижтимоий тенглик ва адолатни таъминлаш ҳамда жамиятда барқарор ижтимоий муҳитни шакллантиришдан иборат эканлиги кузатилади.

Хорижий тажрибани тизимли таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ижтимоий хизматлар тизимининг самарадорлиги, аввало, унинг молиялаштириш манбалари, хизматлар қамрови даражаси, давлат иштирокининг институционал шакли ҳамда бошқарув механизмлари билан узвий боғлиқдир. Шу сабабли, жаҳон амалиётида самарали деб эътироф этилган ижтимоий хизматлар моделларини чуқур ўрганиш ва улардан миллий шароитларга мослаштирилган ҳолда фойдаланиш мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига сезиларли ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Скандинавия ёки Нордик модели дунёда энг ривожланган ва самарали ижтимоий хизматлар тизимларидан бири сифатида эътироф этилади. Ушбу модель Швеция, Норвегия, Дания, Финляндия ва Исландия каби мамлакатларда шаклланган бўлиб, универсаллик, ижтимоий тенглик ва давлатнинг кафолатловчи иштироки тамойилларига таянади.

Скандинавия моделининг асосий хусусияти универсал ижтимоий хизматлар принципига асосланишидир. Унга кўра, барча фуқаролар даромад даражасидан қатъи назар давлат томонидан тақдим этиладиган ижтимоий хизматлардан тенг фойдаланиш ҳуқуқига эга. Мазкур ёндашув ижтимоий тенгликни таъминлаш, камбағаллик хавфини камайтириш ва жамиятда ижтимоий интеграцияни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди.

Скандинавия моделининг энг яққол намунаси сифатида Швеция тажрибасини келтириш мумкин. Мамлакатда ижтимоий хизматлар тизими XX асрнинг 1930-йилларидан бошлаб кучли ижтимоий давлат концепцияси асосида шаклланган. Ҳозирги кунда Швецияда ижтимоий хизматларга йўналтирилаётган давлат харажатлари ялпи ички маҳсулотнинг тахминан 26–28 фоизини ташкил этиб, бу жаҳондаги энг юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Швецияда ижтимоий хизматлар тизими аҳоли учун бепул ёки арзон тиббий хизматлар, барча босқичларда бепул таълим, бола парвариши учун узоқ муддатли пулли таътиллари, ишсизлик суғуртаси ва фаол меҳнат бозори сиёсати, шунингдек, кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун парвариш ва реабилитация хизматларини қамраб олади. Натижада мамлакатда аҳоли саломатлиги кўрсаткичлари юқори даражада шаклланган бўлиб, ўртача умр кўриш даври 83 йилдан ортиқни ташкил этмоқда.

Норвегияда ижтимоий хизматлар тизимининг молиявий барқарорлиги нефть ва газ соҳасидан олинadиган даромадлар ҳисобига таъминланади. Мамлакатда ташкил этилган Давлат нефть жамғармаси келгуси авлодлар учун ижтимоий кафолатларни молиялаштиришда муҳим институционал механизм сифатида хизмат қилади.

Дания тажрибаси эса меҳнат бозорининг эгиловчанлиги ва ижтимоий хавфсизликни уйғунлаштирувчи “флексикурити” концепцияси билан ажралиб туради. Бу модел ишчилар учун кучли ижтимоий ҳимояни сақлаган ҳолда, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ишсизлик хавфини камайтириш имконини беради.

Финляндия ижтимоий хизматлар соҳасида инновацион ёндашувлари билан алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, базавий даромад бўйича ўтказилган тажриба ижтимоий хизматларнинг аҳоли руҳий саломатлиги ва ижтимоий фаоллигига ижобий таъсир кўрсатишини намоён этди.

Скандинавия мамлакатлари тажрибасини умумлаштириб айтиш мумкинки, ижтимоий хизматлар тизимининг юқори самарадорлиги унинг универсал қамрови, институционал барқарорлиги ва давлатнинг кафолатловчи роли билан белгиланади. Ижтимоий хизматларнинг бутун аҳоли учун очиқ бўлиши ижтимоий тенгликни таъминлаш ва камбағаллик хавфини минималлаштиришга хизмат қилади.

Скандинавия мамлакатлари тажрибаси Ўзбекистон учун тўғридан-тўғри кўчириш объекти эмас, бироқ ундан муайян илмий-амалий хулосалар чиқариш мумкин. Хусусан, ижтимоий хизматлар тизимида манзиллийликни сақлаган ҳолда универсал элементларни босқичма-босқич жорий этиш, молиялаштириш манбаларини диверсификация қилиш ва хизматлар самарадорлигини баҳолашнинг замонавий индикаторларини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, Скандинавия тажрибаси ижтимоий хизматларни рақамлаштириш, шаффоф мониторинг тизимларини жорий этиш ва “data-driven social policy” тамойилларини ривожлантириш орқали хизматлар сифатини ошириш мумкинлигини

кўрсатади. Бу жиҳат Ўзбекистон шароитида ижтимоий хизматлар тизимини ислоҳ қилишда амалий аҳамиятга эга.

Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, ижтимоий хизматлар тизими давлатнинг ижтимоий сиёсати, иқтисодий имкониятлари ва институционал муҳит билан чамбарчас боғлиқ. Скандинавия мамлакатларида ижтимоий хизматлар инсон капиталига қаратилган узоқ муддатли инвестиция сифатида қаралиб, айнан шу ёндашув уларнинг юқори ижтимоий фаровонлик кўрсаткичларини таъминламоқда.

Ўзбекистонда эса ижтимоий хизматлар тизими сўнгги йилларда фаол ислоҳ қилинмоқда, аммо амалиётда ушбу хизматлар кўпроқ ижтимоий ҳимоя ва давлат ёрдами функцияси билан чекланиб қолмоқда. Бу эса ижтимоий хизматларнинг меҳнат унумдорлиги, аҳоли саломатлиги ва таълим сифати орқали иқтисодий ўсишга таъсирини тўлиқ рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилмоқда.

Муҳокама натижаларига кўра, Ўзбекистон шароитида ижтимоий хизматларни тўлиқ Скандинавия модели асосида жорий этиш мақбул эмас. Бироқ мазкур моделнинг айрим элементлари — хизматлар сифатини баҳолаш индикаторлари, рақамли мониторинг, нодавлат сектор иштирокини кенгайтириш ҳамда инсон капиталига инвестиция ёндашуви — миллий тизимга мослаштирилган ҳолда жорий этилиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан, ижтимоий хизматлар тизимини ислоҳ қилишда “универсал мақсад — манзилли амалга ошириш” тамойилига асосланган гибрид модел Ўзбекистон учун энг мақбул йўналиш сифатида баҳоланади. Бу ёндашув аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш билан бирга, инсон капиталини ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қилади.

Хулоса ва таклифлар.

Олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизими жаҳон иқтисодиётида аҳоли турмуш сифатини яхшилаш, ижтимоий тенгликни таъминлаш ва барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишга эришишнинг муҳим институционал омили сифатида намоён бўлмоқда. Ижтимоий хизматлар тизимининг самарадорлиги, аввало, унинг институционал тузилиши, давлат иштироки даражаси, молиялаштириш механизмлари ва хизматлар қамрови билан белгиланади.

Таҳлиллар натижасида жаҳон амалиётида ижтимоий хизматлар тизимини ташкил этишнинг бир нечта моделлари шаклланиши аниқланди. Улар орасида Скандинавия мамлакатларида амал қилаётган универсал ижтимоий хизматлар модели энг юқори самарадорликка эга тизим сифатида ажралиб туради. Ушбу модель давлатнинг кафолатловчи роли, ижтимоий хизматларнинг барча аҳоли қатламлари учун очиқлиги, юқори даражада институционал барқарорлик ва инсон капиталига инвестицияга йўналтирилганлиги билан тавсифланади. Натижада Скандинавия мамлакатларида ижтимоий тенглик, аҳоли саломатлиги, таълим сифати ва умумий фаровонлик кўрсаткичлари юқори даражада шаклланиган.

Шу билан бирга, тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, Скандинавия моделини тўлиқ ҳолда Ўзбекистон шароитига кўчириш мақбул эмас. Бу, аввало, мамлакатнинг иқтисодий имкониятлари, солиқ юкига нисбатан чекловлар, демографик тузилма ва институционал ривожланиш даражаси билан боғлиқ. Бироқ мазкур моделнинг айрим илғор элементларини миллий шароитларга мослаштирилган ҳолда жорий этиш Ўзбекистон ижтимоий хизматлар тизимини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этиши мумкин.

Таҳлиллар асосида қуйидаги асосий хулосаларга келиш мумкин. Биринчидан, Ўзбекистонда ижтимоий хизматлар тизими ҳозирги кунда асосан манзилли ижтимоий ҳимояга йўналтирилган бўлиб, унинг инсон капитали ва иқтисодий ўсишга қаратилган инвестицион функцияси етарлича рўёбга чиқарилмаган. Иккинчидан, ижтимоий

хизматларни ташкил этишда давлатнинг роли кучли бўлишига қарамасдан, молиялаштириш манбаларининг чекланганлиги хизматлар қамрови ва сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Учинчидан, нодавлат сектор ва давлат–хусусий шериклик механизмларидан фойдаланиш имкониятлари ҳали тўлиқ ишга солинмаган.

Юқоридаги хулосалардан келиб чиқиб, ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини ривожлантириш бўйича қуйидаги илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

Биринчидан, ижтимоий хизматлар тизимини ислоҳ қилишда “универсал мақсад — манзилли амалга ошириш” тамойилига асосланган гибрид моделни жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бунда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари устувор қўллаб-қувватланган ҳолда, айрим базавий ижтимоий хизматлар (таълим, профилактик тиббий хизматлар, реабилитация) босқичма-босқич универсал шаклга ўтказилиши лозим.

Иккинчидан, ижтимоий хизматларни молиялаштиришда давлат бюджети билан бир қаторда нодавлат сектор, давлат–хусусий шериклик, халқаро молиявий институтлар ва грантлар имкониятларини кенгайтириш зарур. Бу ижтимоий хизматлар тизимининг молиявий барқарорлигини оширишга хизмат қилади.

Учинчидан, ижтимоий хизматлар самарадорлигини баҳолаш учун аниқ иқтисодий ва ижтимоий индикаторлар тизимини жорий этиш, хизматлар сифатини рақамли мониторинг қилиш механизмларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Бу “data-driven social policy” тамойилларини амалиётга татбиқ этиш имконини беради.

Тўртинчидан, ижтимоий хизматларни инсон капиталига қаратилган узоқ муддатли инвестиция сифатида баҳолаш ёндашувини миллий ижтимоий сиёсатнинг концептуал асосига айлантириш зарур. Бу ёндашув ижтимоий хизматларнинг иқтисодий ўсиш, меҳнат унумдорлиги ва аҳоли фаровонлигига таъсирини кучайтиради.

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини ривожлантиришнинг хорижий, хусусан Скандинавия мамлакатлари тажрибаси Ўзбекистон учун муҳим илмий-амалий сабоқларни тақдим этади. Ушбу тажрибани миллий институционал ва иқтисодий шароитларга мослаштирилган ҳолда қўллаш ижтимоий хизматлар тизимининг самарадорлигини ошириш, аҳоли турмуш сифатини яхшилаш ва барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашга хизмат қилади.

Адабиётлар /Литература/References:

- Abdurahmonov, Q.X. (2019). Ijtimoiy soha iqtisodiyoti. Toshkent: Iqtisodiyot nashriyoti.*
- Becker, G.S. (1964). Human Capital: A Theoretical and Empirical Analysis, with Special Reference to Education. New York: Columbia University Press.*
- Esping-Andersen, G. (1990). The Three Worlds of Welfare Capitalism. Cambridge: Polity Press.*
- Habermas, J. (1984). The Theory of Communicative Action. Vol. 1. Boston: Beacon Press.*
- Keynes, J.M. (1936). The General Theory of Employment, Interest and Money. London: Macmillan.*
- Luhmann, N. (2000). Social Systems. Stanford: Stanford University Press. OECD (2022). Social Expenditure Database (SOCX). Paris: OECD Publishing. Available at: <https://www.oecd.org/social/expenditure.htm>*
- OECD (n.d.) Social Expenditure Database, <https://www.oecd.org/social/expenditure.htm>*
- Parsons, T. (1964). The Social System. New York: Free Press.*
- Putillo, N.V. (2016). Sotsialnye uslugi v sisteme sotsialnoy politiki gosudarstva. Moscow: Yuridicheskaya literatura.*
- Shastitko, A.E. (2004). Institutsionalnaya ekonomika. Moscow: TEIS.*
- Smith, A. (1776). An Inquiry into the Nature and Causes of the Wealth of Nations. London: W. Strahan and T. Cadell.*
- UN (n.d.) World Population Prospects 2023, <https://population.un.org/wpp>*

UNDP (2020). *Human Development Report 2020: The Next Frontier – Human Development and the Anthropocene*. New York: United Nations Development Programme. Available at: <https://hdr.undp.org>

WHO (2000). *Health Systems: Improving Performance*. Geneva: World Health Organization. Available at: <https://www.who.int/publications/i/item/924156198X>

World Bank (2019). *World Development Report 2019: The Changing Nature of Work*. Washington, DC: World Bank. Available at: <https://www.worldbank.org/en/publication/wdr2019>

Xalikov, Y.M. (2025). *Ijtimoiy xizmatlar sohasini rivojlantirish va uning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlarini takomillashtirish. Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati*. Samarqand.